

## ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

Тагайева Мафтуна Олимжон қизи

Ўрта Чирчик тумани адлия бўлими ФХДЁ бўлими 1-тоифали инспектори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15099762>

Ҳар қандай давлат ва жамият тараққиёти бир қатор омиллар асосида юз беради. Бу жараёнда аёллар, уларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги иштироки, ҳуқуқ ва эркинликлари амалда таъминланганлиги масаласи – давлатлар ривожининг ҳамда демократиянинг муҳим индекси саналади. Зотан, аёл ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳамиша муҳим мезон бўлиб келган.

Ҳар қандай ижтимоий тузилма асосида аёлларнинг репродуктив имкониятлари билан бир қаторда янги авлоднинг шаклланиши ва ривожланишида ҳам уларнинг ўрни бекиёс. Жамиятда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари мавжуд бўлиб, булар қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинс бўйича камситиига йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффоффликдир.

Дунё мамлакатлари қаторида ва халқаро ҳамжамиятда муносиб ўринга эга бўлган Ўзбекистоннинг давлат ва жамият сифатидаги тараққиёти силсиласида аёлнинг ўрни, унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги глобаллашув жараёнида янги авлоднинг ҳар қандай шароитга нисбатан фаол фуқаролик позициясини шакллантириш масаласида хотин-қизларнинг ўрни ва роли ҳар қачонгиданда муҳим. Шу боис ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳам хотин-қизларнинг янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқишларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашдан иборат. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, аввало, аёлга ҳурмат ва эҳтиром, мўътабар оналаримизни эъзозлаш, муnis опа-сингилларимизни қадрлаш орқали рўёбга чиқади, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда Юортбошимиз бошчилигида Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш сари дадил қадамлар қўймоқдамиз. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар аёлларнинг бахти асосига қурилмоқда, десак адашмаган бўламиз.

Сир эмаски, янги Уйғониш даври, аввало, илм-фаннинг тараққиётига, миллий маънавиятнинг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Мазкур ўткир ҳақиқатни чуқур хис қилган ҳолда хотин-қизларнинг таълими ва илм-фан билан шуғулланишлари учун давлатимиз

томонидан янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Жамиятда аёлларни илм-фанга руҳлантириш мақсадида янги механизм – «Олима аёллар жамияти» тузилгани ҳамда унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш учун Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратилгани барча хотин-қизларнинг кўнглида жамиятнинг энг фаол қатлами – «олима аёл» бўлишга интилишларини янада кучайтириши айни хақиқат.

Ҳеч шубҳасиз, аёлларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини тўлақонли таъминлаш, уларни ижтимоий-иктисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар юртимизда гендер тенгликни ва тенг ҳуқуқлиликни таъминлашдаги ижтимоий адолат намунасиdir.

Бир сўз билан айтганда, аёлларнинг тақдири, бугуни ва келажаги учун давлат сиёсати даражасидаги юксак эътиборнинг ифодаси бўлган бундай шароитлар ва имтиёзлар мамлакатимиз тарихида ҳали бўлмаган. Бугун опа-сингилларимиз қалбида жўш ураётган шукроналик ва юртдан, Юртбошидан миннатдорлик хисси амалий фаолиятимизга кўчиб, ҳар бир соҳада юксак натижаларга эришишга руҳлантирмоқда.

Аёлларга эътибор чинакам давлат сиёсати даражасига кўтарилди: унинг ҳуқуқий ва институционал асослари тубдан такомиллаштирилди

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш фаолияти: *аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириши; аёлларни ҳимоя қилишининг институционал асосларини такомиллаштириши; аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириши; ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишили ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитии каби асосий йўналишлардан иборат.*

Мамлакатимизда аёл қадрини юксалтириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар, албатта, бу борада ҳуқуқий асослар яратилганлиги ва мунтазам такомиллаштириб борилаётганлиги билан ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб белгиланганлиги мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини ошириш борасидаги тизимли ислоҳотлар учун бош ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, оила институтини қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари янги

сифат босқичига күтарилди. Ўзбекистон хотин-қизларни ҳар қандай камситиш ва таҳқирлашлардан ҳимоя қиласидан барча асосий халқаро хужжатларга қўшилди. Бунда «Оналикин мухофаза қилиш тўғрисида»ги Женева Конвенцияси, «Хотин-қизларнинг сиёсий хукуклари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар хукуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Нью-Йорк Конвенциялари, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги» Баённомаси каби халқаро хужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Юртимизда «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида», «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Шунингдек, қонун хужжатларининг мажбурий гендер-хукукий экспертизаси жорий қилинди.

Аёлларни қўллаб-қувватлаш масалаларида давлат раҳбарининг бевосита ташабbusи билан 30 дан ортиқ фармон ва қарорлар ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинганлигини қайд этиб ўтиш жоиз. Биргина жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур норматив-хукукий хужжатлар қуйидаги ижобий жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга: *биринчидан*, оила ва хотин-қизлар билан профессионал тарзда ишлашга ихтисослаштирилган янги давлат органи – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди; *иккинчидан*, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди; *учинчидан*, хотин-қизлар билан ишлашнинг янги механизми – маҳаллаларда хотин-қизлар билан мақсадли ва манзилли тартибда ишлаш амалиёти белгилаб берилди; *тўртинчидан*, хотин-қизлар хукуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида янги хукукий механизmlар – прокуратура органларининг ушбу соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорати жорий

этилди; *бешинчидан*, хотин-қизларга таълим олишлари, илмий-ижодий фаолият билан шуғуланишлари учун давлатнинг янги кафолатлар ва имтиёзлар пакети жорий этилди; *олтинчидан*, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб турмуш кечиришларига кўмаклашишни назарда тутувчи амалдаги механизмлар такомиллаштирилди; *еттинчидан*, хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, хотин-қизларга хос бўлган касалликларни барваqt аниқлаш ва олдини олиш, оналикни муҳофаза қилишга қаратилган янги тизим жорий этилди; *саккизинчидан*, хотин-қизлар билан мулоқот қилишининг янги механизмлари жорий этилмоқда ва мулоқотнинг янги, самарали платформаларига асос солинди.

«Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон билан 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Таъкидлаш керакки, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 83-сон қарори билан тасдиқланган «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар»нинг 5–мақсади – Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш – мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар билан ҳамоҳангдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш доирасида хотин-қизларни камсишишнинг барча шаклларига барҳам бериш, уларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларини, шу жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда эксплуатациянинг бошқа шаклларини, эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлаш ҳолатларини тугатиш, хотин-қизлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун teng имкониятларни таъминлаш, репродуктив саломатликни асраш соҳасида умум қамровли тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш хизматларидан умумий фойдаланишни таъминлаш ва шу каби 9 та вазифа белгиланди.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Сенати томонидан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди.

Саъй-харакатларнинг мантикий давоми сифатида 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида хотин-қизларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга доир қатор мақсад ва вазифалар назарда тутилди. Жумладан, Тараққиёт стратегиясининг 5 та мақсадида хотин-қизлар масаласига оид вазифалар белгиланган. «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш» деб номланган 69-мақсадида, жумладан, жамиятда хотин-қизларга тазийқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш кўзда тутилган.

Тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 221, 232, 253, 254, 307, 308, 338-вазифалари бевосита юқорида қайд этилган мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган.

Аёллар борасида амалга оширилган саъй-харакатларнинг бугунги самараси ушбу соҳадаги институционал асосларни тубдан такомиллаштириш билан узвий боғлиқ. Модомики, мустақилликнинг илк даври – демократик ислоҳотлар бошланишида гендер тенглик масаласи ва аёлларнинг жамиятдаги роли накадар муҳим эканлиги 1991 йилдаёқ алоҳида давлат тузилмаси – Хотин-қизлар қўмитаси шакллантирилиши билан яна бир бор ўз тасдигини топган.

Сўнгги йилларда бу йўналишдаги институционал асослар тубдан такомиллаштирилиб, Олий Мажлис Сенати ҳузурида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси жорий қилинди ва 2022 йил 1 мартдаги Президент фармони билан Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси сифатида қайта ташкил этилди. Сенат Раиси Танзила Нарбоева бошчилигида дастлаб Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаси иш бошлаган бўлса, кейинчалик, яъни жорий йил 1 мартдаги Президент фармони билан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Мана шу йилнинг март ойида Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди.

Эътиборли томони Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг мақоми ва ваколатлари қонун даражасида белгиланди.

Жумладан, 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятлар кафолатлари түғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий тенглигига эришиш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқукий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг равишда ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш, жинси бўйича бевосита ёки билвосита камситилганлиги муносабати билан ҳаётда оғир вазиятга тушиб қолган инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш бўйича маҳсус муассасаларни ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан амалга оширилиши назарда тутилган.

Шунингдек, Комиссияга гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтингчалик маҳсус чоралар кўриш ва уларни бекор қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш, давлатнинг раҳбарлик лавозимларига илгари суриш чоғида жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик принципини таъминлашга кўмаклашиш, давлат органларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларга эришишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш, тенг ҳуқук ва имкониятларни таъминлаш соҳасидаги вазият мониторингини ва таҳлилини ўтказиш, жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситиш холатларининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, бу соҳада таълимга оид, ахборот-маърифий тадбирларни ўтказиш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, ушбу йўналишдаги қонунчилик ижроси устидан назорат олиб бориш, соҳада илмий тадқиқотларни ташкил этиш каби қатор ваколатлар берилган.

Бундан ташқари, жаҳон тажрибасида биринчи марта ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш бўйича аёллар масалалари билан алоҳида, комплекс ва манзилли ишлаш мақсадида хотин-қизлар фаоли лавозими жорий қилинди.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда, уларга жамиятда ўз ўрнини топишида ёрдам бераётган худудлардаги «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган аёллар учун чинакам кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Жамият тараққиётидаги мұхим мезон

Бугун юртимизда хотин-қызларни құллаб-куватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг асосий ва устувор йўналишлари қаторида алоҳида белгиланганлигигабу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ва саъи-харакатлар самарасидан ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз.

2022–2026 йилларда хотин-қызларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасида назарда тутилаётган янгиликлар фикримизни тўлиқ тасдиқлайди. Хусусан, 6 та асосий йўналиш ва 112 та банддан иборат бўлган чора-тадбирлар режасида мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қызларнинг фаоллигини оширишга қаратилган, илгари жаҳон мамлакатлари амалиётида кузатилмаган Янги Ўзбекистоннинг ўзига хос тажрибасига асос бўладиган қўйидаги янгиликлар ўз аксини топди:

*Биринчи йўналиши – хотин-қызларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадида:*

қонунчилиқда «хотин-қызларни таъқиб этиш» тушунчасининг ҳуқуқий таърифини ишлаб чиқиш; ўқувчи-ёшларга нисбатан жисмоний тазиқ ўтказганлик, зўравонлик содир этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаш; узоқ муддатга чет давлатларга чиқиб кетаётган ота-оналар томонидан фарзандига васий ёки ҳомий тайинлашнинг мажбурий тартибини белгилаш;

«Болаларга алимент ундириш ва оилани таъминлашнинг бошқа шаклларининг халқаро тартиби тўғрисида»ги Гаага Конвенциясига қўшилиш, хотин-қызларнинг меҳнат ҳуқуқлари таъминланганлик ҳолатини ўрганиш;

хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда расмий ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси тўлаш тизимини яратиш; жазони ижро этиш муассасаларидан озод этиладиган хотин-қызларнинг оилаларидаги ижтимоий-маънавий мұхитни шакллантиришга кўмаклашиш;

«Хотин-қызларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги, «Оналики мухофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциялар асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижросини ўрганиш ва бошқа масалалар белгиланган.

*Иккинчи йўналиши – хотин-қызларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириши мақсадида:*

2022 йилда – 140 минг, 2023 йилда – 150 минг нафар хотин-қизни ишга жойлаштириш чораларини күриш; 2022 йилда – 66 минг, 2023 йилда – 74 минг нафар хотин-қизни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали уларнинг бандлигига кўмаклашиш;

2022 йилда 17 минг 62 нафар, 2023 йилда 19 минг 20 нафар хотин-қизга субсидиялар ажратиш; республика ва худудларда «Етакчи аёллар мулокоти» платформасини ташкил этиш;

*Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига номзодларни тавсия этишида хотин-қизларнинг сонини магистратурада ўқишига тавсия этилган номзодлар умумий сонининг 30 фоизигача етказилиши; «Бир миллион дастурчи» лойиҳасида шитирок этадиган хотин-қизлар сонини 30 фоизга етказилиши каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.*

Учинчи йўналиши – ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш мақсадида:

14 минг нафар хотин-қизга туар жой ижара тўлови бўйича компенсациялар тўлаш, 12 минг нафар хотин-қизни ижтимоий ижара шартлари асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш;

уй-жойга муҳтоҷ нотурар жойларда яшайдиган «Аёллар дафтари»га киритилган 6 минг нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

«Аёллар дафтари»га киритилган ёлғиз эҳтиёжманд хотин-қизларга (камида 100 минг нафар хотин-қизга) бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

30 минг нафар хотин-қизга уларнинг таъминалаб уй-жойларини таъмирлаш учун курилиш материаллари олиб бериш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

84 минг 333 нафар онахонларни бепул чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш;

12 минг 919 нафар онахонларнинг ташкилотлар ва касаба уюшмалари санаторийларида даволанишларини ташкил этиш;

«Аёллар дафтари» тизими орқали ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ишсиз 300 минг нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланди.

Тўртинчи йўналиши – оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида:

ҳар йили режа-жадвал асосида мингта нотинч ва кам таъминланган оилаларни ички туристик саёҳатга имтиёзли юбориш;

оилавий ажралишларнинг олдини олишда медиаторлик институтининг ролини кучайтириш; Ўзбекистоннинг 2030 йилгача мўлжалланган демографик барқарорлик Концепциясини ишлаб чиқиши;

«Демография» миллий порталини яратиш ҳамда мазкур сохада фаолият юритаётган олимларнинг ютуқлари ва ишланмаларини ёритиб бориш каби долзарб вазифалар назарда тутилди.

*Бешинчи йўналиши – хотин-қизлар орасида жиноятчилик ҳамда хукуқбузарликларнинг олдини олии мақсадида:*

хотин-қизлар хукуқларини ҳимоя қилиш борасида фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш; вояга етмаган қизлар билан ишлашда «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш;

профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар билан якка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш каби хотин-қизлар билан ишлаш борасидаги сайд-харакатлар амалда янги босқичга кўтарилимоқда.

*Олтинчи йўналишида эса Чора-тадбирлар режасида назарда тутилган юқоридаги устувор вазифаларни самарали амалга ошириш, уларнинг изчиллигини таъминлаш ва бу борада кучли мониторинг юритишнинг ташкилий механизмлари белгиланди. Мазкур ҳолат хотин-қизларнинг чинакам баҳтли ҳаёт кечиришлари, саодатли аёл сифатида оила ва жамиядга мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун янги имкониятлар яратилишига хизмат қилиши, шубҳасиз.*

Жорий йил 4 март куни Президентимиз иштирокидаги хотин-қизлар масалаларига бағишлиланган видеоселекторда қизлар таълими учун бир қанча имтиёзлар ҳақида сўз юритилиб, янги ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пули тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши (23 минг нафар қизга 200 миллиард сўм), ҳар йили 50 нафар қизни нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафарини магистратурага юбориш, ҳар бир вилоятда эҳтиёжманд оила вакиллари, ота ёки онасини йўқотган 150 нафар қизнинг (жами 2,1 минг нафар) таълим контракт пулини маҳаллий бюджетдан тўлаб бериш, ёш фарзанди бор талаба қизларга масофавий ўқишига шароит яратиш, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиш, ҳар йили хотин-қизлар талаба бўлиши учун квотанинг камида 50 фоизи аниқ фанлар, техника ва хукуқшунослик йўналишлари учун мақсадли ажратилиши, янги ўқув йилидан бошлаб олийгоҳ, техникум ва коллежларда ўқиётган қизларга таълим контрактларини тўлаш учун

илк марта 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилиниши белгилаб берилгани бу борадаги ислоҳотлар жараёнини янада юқори босқичга олиб чиқди.

Охирги йилларда амалга оширилган ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, миллий парламентимизда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етиб, 32 фоизни ташкил этди. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик соҳасидаги улуши 35 фоиз ва олий таълимда 46 фоиздан юқори. Давлат бошқарувида 1,5 мингга яқин мутахассис хотин-қиз турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиб, тизимда аёлларнинг улуши 33 фоизни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич жадал суръатда ошиб бормоқда.

Ижтимоий ҳимоя тизимида мутлақо янги йўналиш – хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш учун «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар» жорий этилди. «Аёллар дафтари» асосида сўнгги 3 йил давомида 400 минг нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Эҳтиёжмандларининг уй-жой таъминоти, яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аёллар саломатлигига давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки жамиятнинг соғломлиги, аввало, хотин-қизларнинг қанчалик соғлом экани билан тавсифланади. Президентимиз таъкидлаганидек, «...она ва бола соғлиғига эътибор – жамиятга, келажакка эътибордир».

Шу мақсадда 2021 йилдан бошлаб ҳомиладор аёлларга ва 15 ёшгача болаларга 7 турдаги витамин, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситаларини бепул тарқатиш тизими йўлга кўйилди. Ушбу тадбирларда 2021 йилда 11 миллион аёл қамраб олингани таҳсинга сазовор.

Мухтасар айтганда, жамиятда аёл қадр-қиммати, унинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида давлат бош ислоҳотчи сифатида намоён бўлмоқда. Зотан, жамиятда хотин-қизларнинг хуқуқ ва манфаатларини ифода этиш, давлат ва жамият муносабатларида аёлларнинг ўрни ва ролини янада ошириш, уларнинг сиёсий, хуқуқий, ижтимоий соҳаларда манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс авлодини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти.
3. Адлия вазирлиги “Хуқукий ахборот” электрон канали.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг меҳнат хукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-куватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” қарори